

Рез № 49/019 от 18.01.2022 г

ШАРТНОМА № 07
(СИҚИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА)

2022 йил «14» январь

Кўкон шаҳар

Бир томондан «ENERGY GAS TRADE» МЧЖ, келгусида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб номланувчи ўз Низомига асосан иш юритувчи раҳбар Тоштемиров Аҳаджон Пулатович, иккинчи томондан «Шуртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ, келгусида «ИСТЕЪМОЛЧИ» деб номланувчи ўз Низомига асосан иш юритувчи раҳбари Ш. Ҳ. Асломов туздилар ушбу шартномани шу ҳақдаким:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ.

1.11 «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ўзида мавжуд маҳсулотни етказиб бериш, «ИСТЕЪМОЛЧИ» эса етказиб берилган маҳсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади:

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Йил давомида умумий	Жумладан чораклар бўйича			
			1	2	3	4
Газбаллонли автомашиналар учун сиқилган табиий газ	м.куб.	200 000	50 000	50 000	50 000	50 000

1.2. «ИСТЕЪМОЛЧИ» нинг автомобиллини сиқилган газ билан тўлдириш «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» нинг автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияси (АГТКШ-1) орқали амалга оширилади.

1.3. Етказиб берилган кун деб «ИСТЕЪМОЛЧИ» нинг автомобиллини сиқилган газ билан тўлдирилган кун ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ.

2.1. 1 метр куб. сиқилган газ учун тўлов **2 600** (иккми минг олти юз) сўм қилиб белгиланди. Ушбу қитъмат хом-ашё, ёқилғи-энергетик ресурсларни нархини ўзгариши ҳамда меъёрий далолатнома ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини ўзгариши баробарида ўзгариши мумкин. Шартнома тузиш вақтида шартноманиннг умумий қиймати 520 000 000 (беш юз йигирма миллион) сўм.

2.2. Сиқилган газ учун тўлов, қонунда кўрсатилган шаклда, банк қоидаларига риоя қилган ҳолда, етказиб берилаётган кунни декларацияланган нархларини қайд қилиш реестрига асосан амалга оширилади.

2.3. Сиқилган газ тўлдириш «ИСТЕЪМОЛЧИ» ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» нинг ҳисоб рақамига ўтказгандан кейин амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «ИСТЕЪМОЛЧИ» ГБМ (газ балон мослама)ли автомашинани ишлатаётган (эксплуатация) вақтида техник ҳолатига, барча техника хавсизлиги қоидаларига тўлиқ жавобгардир.

3.2. «ИСТЕЪМОЛЧИ» мажбурияти:

«ИСТЕЪМОЛЧИ» нинг газ тўлдириш учун АГТКШга келган транспорт воситасида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар бўлиши шарт:

ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО "ШГХК"

- А) Газ балони техник синовдан ўтганлиги хақида ДАЛОЛАТНОМА
- Б) Хайдовчи газ балонли автомобилни бошқаришга ўқиганлиги хақида гувоҳнома
- В) Автомашина техник паспортида ДАН органлари томонидан газ мосламаси ўрнатилганлиги тўғрисидаги белги.
- Г) Автомашина техник паспортида техник кўриқдан ўтганлиги хақида белги.
- Д) Йул варакаси.

3.3. «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» ва «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» сиқилган газни, газ сифимини ўртача кунлик меъёри даражасида бир маромда олиш ва бериш мажбуриятини олади. «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» сиқилган газни олиши бўйича барча ўзгаришлар тўғрисида «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» ни чорак бошланмасдан 15-кун муддат олдин ёзма равишда хабар қилади. «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» ишлаб чиқариш жараёнида АГТКШ ни жорий таъмир учун тўхтатган вақтда «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» ни 3-кун олдин, капитал таъмир учун тўхтатишдан олдин иш бошланмасдан 15-кун олдин огоҳлантиради.

3.4. «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

А) Автомашинани газбаллонли ускунасини ишлашини созлигини, ўлчов-назорат асбоблари ва ёпқич арматурасини текшириш.

Б) «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» газ тўлдириш шахобчаси регламенти қоидаларига бўйсунмаган ва шартнома шартларини бузган тақдирда сиқилган газ тўлдиришни тўхтатиш.

В) «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» томонидан сиқилган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган ҳолда «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» қарздорлик вужудга келган тақдирда «**ИСТЕЪМОЛЧИ**»га тегишли бўлган автомашинани қарздорликка қаратиш ва хатлаш

4. ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» га бериладиган сиқилган табиий газ миқдори «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» нинг ўлчов асбобларида, (АГТКШ) орқали «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» га бериладиган газ миқдори жадвали билан келишилган ҳолда «Узбекнефтгаз» МХК томонидан 28.11.95.йили тасдиқланган «(АГТКШ) дан берилаетган газ миқдорини ўлчаш, ҳисоб-китоб қилиш РД Уз 51-034-94 услубига» асосан ҳамда Давлатстандарт қўмитаси томонидан тасдиқланган (13.01.96 йилдаги рнҒ.№418) ва 12.04.96 йили «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» лар билан (АГТКШ) орқали берилган газ учун ҳисоб-китоб қилиш қўлланмасига асосан аниқланади.

5. ТОМОНЛАРНИ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Сиқилган табиий газни меъёридан ортиқ олинганда қўшимча шартнома тузилади.

5.2. «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» ва «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» қуйидаги ҳолларда бериладиган газ миқдорини камайтириши мумкин ва бунинг учун жавобгар бўлмайди:

А) АГТКШга табиий газни етказиб берувчилар технологик жараёнида юзага келадиган авария ҳолатида, магистрал газ қувирларида, сахар газ, электр тармоқларида олдиндан ҳисобга олиб бўлмайдиган мажбуриятлар пайдо бўлганда.

Б) Ёнғин, ер қимирлаш ва табиий офатлар бўлганда.

В) Магистрал газ қувирларида навбатдаги капитал таъмирлаш ишлари олиб борилганда, сахар газ, электр тармоқларида синов ишлари олиб борилганда ҳамда сварка ишлари олиб борилганда.

5.3. «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» сиқилган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги оқибатида «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**»га етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

5.4. «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» томонидан шартномада кўрсатилган тўловларни ўз вақтида тўламаган тақдирда «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**»га муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ шартномада кўрсатилган тўловнинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Томонлар ушбу шартнома шартларига риоя қилмаганда ёки тўлиқ бажармаслиги оқибатида келиб чиқадиган келишмовчиликлар ўзаро келишув ёки суд тартибида хал қилинади.

ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО «ШГХК»

6. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

6.1. Ушбу шартнома томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабр кунига қадар амал қилади.

6.2. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир нусхаси «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» да иккинчи нусхаси «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» да сақланади. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган масалалар юзасидан томонлар ҳозирда амалдаги қонунлар асосида иш олиб боради.

Шартномага илова:

А) «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» лар ЎзР ЙХХБ томонидан рўйхатдан ўтказилган автомашиналарни газ сарфи, миқдори ва маркаси кўрсатилган ҳисоб-китобини.

Б) «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» лар балансидаги автомобиллар русуми ва давлат белгиси кўрсатилган рўйхатини тақдим этади.

7. ЖАМИЯТНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МОДДАСИ

7.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар, бошқа нарсалар катори, амалдаги коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлайдилар ва ўзлари, шу жумладан ходимлар, филиаллар, бенефициарлар ва бизнес шериклар, воситачилар, пудратчилар ёки Шартномани бажаришда иштирок этадиган агентлар ҳаракат қилмаслигини таъминлайдилар (давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимининг пора олиш, тижорат пора олиш, пора бериш ёки пора беришда, пора беришда, пора олишда қатнашганлиги каби ҳаракатларни рад этиш), амалдаги қонунчиликда ва жинойтчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш (легаллаштириш) ва терроризмни молиялаштиришнинг халқаро ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга ва ушбу ҳуқуқбузарликка қарши курашиш мақсадидаги бошқа Шартномалар.

7.2. Томонлар тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали таклифлар, ваъдалар бериш, товламачилик, сўровлар, пул, бошқа қимматбаҳо буйумлар, мол-мулк, мулк ҳуқуқи ёки бошқа моддий ёки моддий бўлмаган фойдаларни олиш учун розилик беришдан воз кечадилар, асоссиз устунликка еришиш ёки бошқа ноқонуний мақсадларга еришиш, шу жумладан Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган мақсадларда уларга таъсир ўтказувчи ҳар қандай шахслар.

7.3. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўришни кафолатлайдилар. Томонлар бузилишга оид гумонларнинг пайдо бўлиши ёки Шартнома доирасида улар томонидан жалб қилинган Томонлар, ходимлар, фойда олувчилар, аффилиланган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан бузилиш еҳтимоли борлиги тўғрисида бузилиш еҳтимоли тўғрисида (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган ҳолда) бир-бирларини ёзма равишда очиқ ва дарҳол хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

Шунингдек, агар Томонлардан бири асосланган ҳолда ёки шубҳа остидаги бошқа Томон, унинг ходимлари, бенефициарлари, шериклари ёки Шартномани бажаришда иштирок этадиган бошқа шахслар томонидан амалдаги қонунларнинг ва ёки ушбу Шартноманинг шубҳалари, коррупцияга қарши қоидалари бузилган бўлса, ушбу Томон унга ёзма равишда сўров йуборишга ҳақлидир. талабнома келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида бузилиш фактини рад қилувчи ёки тасдиқловчи изоҳлар ва маълумотлар ҳужжатларни тақдим этиш талаби билан муурожаат этиш ҳуқуқига ега.

7.4. Томонлар, агар Томонлардан бири ушбу боб талабларини бажармаган бўлса, шунингдек бошқа Томон бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқ олмаган бўлса ва Томон коррупция хавфини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган бўлса, бошқа

Томон ҳуқуқига ега. ушбу Битимни бир томонлама бекор қилиш, шунингдек унинг бажарилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига ега.

7.5. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича Шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган Томон томонидан йетказилган зарарни қоплаш ушбу Шартноманинг тегишли моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган Томон Шартномани белгиланган бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

7.6. Агар келишув бўйича Томон Компания ходимларининг хатти-ҳаракатларига, ушбу Шартномага ва ёки амалдаги қонунчиликка, шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир етишга мажбурлаш фактларига дуч келса, Томон бу ҳақда коррупцияга қарши қоидаларга зид бўлган қуйидаги алоқа каналларидан бири томонидан хабар бериши шарт:

+ 998 (71) 233-28-88 рақамига "Ишонч телефони" оғзаки мурожаат қилиш;

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

«ENERGY GAS TRADE» МЧЖ

«Шуртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ

Манзили: Қўқон шаҳар Давронбек Кўчаси 19-уй

Индекс: Эл.почта:

Телефон: +99 890 057 00 05

Хр 20208000205105348001

Банк: АТ «АЛОКАБАНК» Қўқон ҳудудий комплекс хизматлар маркази

МФО: 00401

СТИР: 306604080

НДС код: 330030120705

Манзили: Қашқадарё вил. Гулзор тумани

Телефон: +99 897 400 99 09

Хр: 20210000104039001001

Банк: «Миллий банк» Қарши филиали

МФО: 00150

СТИР: 203195074 (ОКЭД):

НДС код:

«Сотувчи» номидан

«Харидор» номидан

Рахбар: Тоштемиров

Рахбар:

М.У.



ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО "ШГХК"